

ПУДРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА

2022 й. «1» 11

452-6-89-ХТ/2022-сон

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Буюртмачи” деб юритилувчи Чуст туман Халқ таълими бўлими номидан бўлим мудири Ф.Эрназаров бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Пудратчи” деб юритилувчи “Do’zanda Qurilish ta’mir” хусусий корхонани номидан курувчи Э.Исаков мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздик:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг балансида булган 17-сонли мактабни смета хужжатларига мувифиқ жорий таъмирлаш ишларини бажариб беришб буюртмачи эса бажарилган ишлар кийматини тўлаш мажбуриятини оладилар.

1.2. Мазкур шартномада қайд этилган баҳолар “Буюртмачи”нинг смета хужжатларига асосан 2022 йил бозор нархларида, ҚҚС қўлланган ҳолда амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

“Буюртмачи” тақдим этилган лойиҳа смета хужжатлари ва бошқа хужжатлар қабул қилиб олиб, уни ўрганиб чиқиб шу асосда иш олиб беради.

“Пудратчи” лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиб аниқланган камчиликлар юзасидан “Буюртмачи”га хабар беради.

Лойиҳа смета хужжатларида ва бажарилган ишлар далолатномасидаги лимитланган ва бошқа харажатлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” билан ўзаро тасдиқланган Ф-05 асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

Ушбу шартнома шартлари асосида бажарилган муҳандислик тизимлари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши ёки таъмирланиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 24 ой этиб белгиланади.

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида бажарувчи томонидан бартараф этишни таъминлайди.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси ва нуқсон далолатномаси бўйича бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилади.

Бажарилган ишлар ва олдиндан тўловлар учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва тўловларни ўз вақтида таъминлайди.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан бирга 450 759 842 (тўрт юз эллик миллион етти юз элик тўққи минг саккиз юз қирқ икки) сўми ташкил этади.

3.2. Қурилиш материалларини транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни “Пудратчи” кўтаради.

3.3. “Буюртмачи” бажарилиши лозим бўлган ишларни суммасининг 30 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Бажарилган ишлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

3.4. Бажарилган ишлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампидан кўрсатилган сана бажарилган ишга ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи” мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. “Буюртмачи”нинг розилиги билан қурилиш-монтаж ишлари олдин бажарилиши мумкин. бажарилган ва “Буюртмачи” томонидан қабул қилинган ишлар учун кейинги даврларда бажарилиши керак бўлган ишлар ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бевосита “Буюртмачи”нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатнома белгиланган тартибда тузилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор

туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Бажариладиган ишлар сифати, миқдори “Пудратчи” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Пудратчи” бажарилган ишларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари “Буюртмачи”га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон бажарилган, сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “Пудратчи” “Буюртмачи”га белгиланган устамалардан ташқари бажарилиши керак бўлган хизматнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, “Пудратчи” “Буюртмачи”га қурилиш-монтаж ишларининг бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.5. Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажармаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.6. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Буюртмачи”ни ва жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган “Пудратчи”нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

XI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

11.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, ёки шартноманинг бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

11.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тускинлик килувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида, томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

11.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

11.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

11.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома ҳар икки томон тасдиқлаб, Ҳазначилик бўлими томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади. Томонларни мажбуриятларини сўнги бажариш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар этиб белгиланади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

IX. Томонларнинг мазили ва банк реквизитлари:

“Пудратчи”
Do'zanda Qurilish ta'mir x/k

Манзил: Чуст ш Дўзанда маҳалла

Тел./факс +99890-219-00-12

Х/р: 20208000304984141001

Банк Наманган Миллий банк

МФО: 00222 СТИР: 302329742

ОКОНХ:

Раҳбар:



Э.Исаев



“Буюртмачи”

Чуст туман Халқ таълими бўлими

Манзил: Чуст шаҳри, Чарогон кўчаси,
56-уй

Ш.х.в 401722860142377092100075049

Банк номи: Марказий банк Тошкент

шаҳри Б.Б КХКМ

МФО 00014, ОКНХ

СТИР: 200111014

Молия вазирлиги газначилиги

х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри Б.Б

КХКМ

СТИР 201122919 МФО 00014

Ф.Эрназаров



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

NN6570230831

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo'jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Chust tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan 01.11.2022 yilda kiritilgan.
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Chust tumani yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:



S.M.XOJAYEV
01.11.2022